

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди, ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, судья Ғ.Негматовнинг раислигида, П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, судланувчи Ш.Ғаффоров ва унинг химоячиси - адвокат Ш.Насриевларнинг иштирокида, судланувчи Ғаффоров Шокир Абдуллаевичга оид 1-1416-2601/165-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

**Ғаффоров Шокир Абдуллаевич (G'afforov Shokir Abdullayevich)**, 1965 йил 24 июль куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 (тўрт) нафар фарзандлари бор, нафақада, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Катта Торинжак” маҳалласида яшаган, иш бўйича 2025 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 2025 йил 13 декабрь куни “камоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 23 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

2025 йил 11 декабрь куни соат 16:30 ларда Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТваЧХТБ ходимлари ва ДХХ Ургут ШБ ходимлари томонидан Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда, судланувчи Ғаффоров Шокир Абдуллаевич эғнида бўлган шимининг орқа ўнг чўнтагида бир дона рангсиз целофан пакет бўлакчасига солиниб, қадоқланган, оғирлиги 0,18 (ноль бутун юздан ўн саккиз) граммга тенг бўлган “героин” гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўз истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда далилий ашё сифатида хужжатлаштирилиб олинган.

Самарқанд вилояти ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 12 декабрь кунги 1793-сонли хулосасида, 2025 йил 11 декабрь куни Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТваЧХТБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор қидирув тадбири давомида, фуқаро Ғаффоров Шокир Абдуллаевич шахсий тинтув қилинганида, ёнидан топилган ва далилий ашё сифатида хужжатлаштирилиб олинган 1 (бир) дона рангсиз целофан бўлакчасига алоҳида қадоқланган оч-



сарғиш рангли, ўткир хидли, тошчасимон-кукунсимон кўринишдаги “героин” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш бўлган модда таркибида фаол гиёҳванд модда диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу модда “героин” (диацетилморфин) гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги, “героин” (диацетилморфин) гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги 0,18 (ноль бутун юздан ўн саккиз) граммга тенглиги кўрсатилган.

Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг 17.12.2025 йилдаги 1136-сонли амбулатор суд-наркологик экспертиза далолатномасида, Ш.Ғаффоровда “опийли (героин) гиёҳвандлик” белгилари мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида кўзда тутилган мажбурий даволаш чоралари синалувчини ёшини (60 ёшдан катта) инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 20.03.1995 йилдаги 102-сонли буйруғига асосан қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиалининг 2025 йил 23 декабрь кунидаги 1220-сонли эксперт хулосасида, фуқаро Ғаффоров Шокир Абдуллаевичдан 12.12.2025 йил соат 20.20дан 20.30га қадарли вақтда олинган сийдик намунаси суд-кимёвий текширилганда, “опий” гуруҳи алкалоидлари топилганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Ғаффоров, эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2015 йилдан буён “героин” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келгани, гиёҳвандлик моддасини Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласида яшовчи Мажидов Рустамдан олиб келгани, 2025 йилнинг октябрь ойи ўрталарида Р.Мажидовдан ўз истеъмоли “героин” гиёҳвандлик моддасини 1.300.000 сўм пулга сотиб олгани ва кам миқдорда истеъмол қилгани, 2025 йил 11 декабрь куни соат тахминан 16-00 ларда маҳалласидаги савдо дўконга бораётган вақтида, йўлда ИИБ ходимлари тўхтатишиб ва ўзларини таништиришганидан сўнг, ёнида қонунга ҳилоф равишда сақлаётган буюмлар борлиги юзасидан шубҳалари борлигини маълум қилишиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятини тушунтиришган ҳолда икки нафар ҳолислар иштирокида ёнини кўздан кечиришмоқчи бўлишганида, у тўлиқ иқрорлик билдириб, шимини орқа ўнг чўнтагидан бир дона рангсиз целофан пакет бўлагига солиниб, қадоқланган “героин” гиёҳвандлик моддасини борлигини айтганида, уни Ургут тумани ИИБ биносига олиб боришганларини ва ерда ҳолислар иштирокида “героин” гиёҳвандлик моддасини расмийлаштириб олишгани, ҳақиқатдан ҳам “героин” гиёҳвандлик воситаси ўзига тегишли бўлгани ва ўз истеъмоли учун сақлаб келгани, аммо мазкур гиёҳвандлик воситасини бирор шахсга ўтказиш мақсади бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу каби ишларни бошқа такрорламаслигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Ширинбоев, Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТваЧХТБ тезкор вакили лавозимида хизмат қилиб келиши, 2025 йил 11 декабрь куни бизлар Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласида яшовчи Ғаффоров Шокир Абдуллаевич қонунга ҳилоф равишда “героин” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш ва сақлаш билан

қўлланиб келаётганлиги ҳақида тезкор маълумот олишиб, унинг ушбу



ҳаракати инсонларнинг ҳаётига ва соғлиғига жиддий зарар етказаётганлиги, ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли, шу куни Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТваЧХТБ тезкор вакиллари ҳамда ДХХ Ургут ШБ ходимлари билан биргаликда Ғаффоров Шокирни жиноят устида ушлаш мақсадида, 2025 йил 11 декабрь куни соат 16.30 ларда Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласи ҳудудида Ш.Ғаффоровни тўхтатиб ва ўзларини таништириб, ёнида гиёҳвандлик моддалари ёки тақиқланган ашёлар тақдим қилишини таклиф қилинганида, Ш.Ғаффоров эғнидаги шимининг орқа ўнг чўнтагида бир дона рангсиз целофан пакет бўлагига солиниб, қадоқланган, ўткир ҳидли, оч-сарғиш рангли героин гиёҳвандлик моддаси борлигини маълум қилганлиги учун уни Ургут тумани ИИБга олиб келиб, икки нафар ҳолислар иштрокида ҳужжатлаштириб олишганларини, Ш.Ғаффоров ушбу гиёҳвандлик моддасини Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласида яшовчи “Рустам” исмли шахсдан олганлигини маълум қилганлиги учун суриштирув олиб борилиб, Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласида яшовчи, 1984 йилда туғилган Мажидов Рустам Султонович эканлиги, Р.Мажидов 2025 йил 14 октябрь куни вафот этганлиги аниқланганини баён қилиб, берган кўрсатуви;

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Х.Широва, ҳозирги вақтда судланувчи Ғаффоров Шокир Абдуллаевич турмуш ўртоғи бўлишини, 2025 йил 25 декабрь куни “Умра” зиёратидан келганида, ўғлидан турмуш ўртоғи Ш.Ғаффоров ёнида “героин” гиёҳвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда сақлаб келаётганлиги бўйича ушланганлигини эшитгани, турмуш ўртоғи гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишидан уни хабари бўлмагани, гиёҳвандлик моддасини кимдан сотиб олиб ва истеъмол қилишини ҳам билмаганлигини, турмуш ўртоғини кекса ёшда эканлиги ва ҳасталигини инобатга олиб, қонуний енгиллик сўрашини баён қилиб, берган кўрсатуви;

Шунингдек, судланувчининг айби, жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган шахсий тинтув ва ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомаси, судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 декабрдаги 1793-сонли ҳулосаси, 2025 йил 23 декабрдаги ашёвий далиллар экспертизасининг 1220-сонли, 2025 йил 17 декабрдаги судга оид норкология экспертизасининг 1136-сонли далолатномаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор, айбловни ўзгартириш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомаларидаги кўрсатувлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги



судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Ғаффоровнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ш.Ғаффоровнинг кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракати суд мажлиси давомида тўлиқ ўз тасдиғини топди ва унинг бу ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Ғаффоровнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшини, нафақа ёшида эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Ғаффоровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, нафақа ёшини ва ўзини гиёҳвандлик кассалиги билан хасталанганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, тайинладиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятини, нафақа ва кекса ёшида эканлигини, ҳаракатларига иқрорлик билдирганлигини жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 50-моддаси талабларига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазоси татбиқ этилмаслигини инobatга олиб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазо турини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасини татбиқ этиб, қамокда ўтирган кунларни чегириб ташлашни, тайинланган жазони ўташдан бўйин товланишини олдини олиш ҳамда жазо самарадорлигини таъминлаш мақсадида унга Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласидаги яшаш уйини у

бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаб, туман ИИБнинг



розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча мажбуриятларни юклашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залида қамоқдан озод қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан, гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чорасига мухтож бўлса-да, уни уни 60 ёшдан ошганлигини ҳисобга олиб, мажбурий даволаниш чорасини қўлламасликни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган ҳамда ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармасининг АДСХда сақланаётган экспертиза тадқиқотларидан сўнг қолган 0,17 грамм “героин” гиёҳвандлик моддасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-474, 475-476-моддаларини қўллаб, -

## Х У К М Қ И Л А Д И:

**Гаффоров Шокир Абдуллаевич (G'afforov Shokir Abdullayevich),** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Гаффоров Шокир Абдуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласида жойлашган яшаш уйини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаган ҳолда муддати 4 (тўрт) йилга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи Қ.Ашуровни 2025 йил 12 декабрдан 2026 йил 19 март кунига қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб, 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой 16 (ўн олти) кун озодликни чеклаш жазоси ўташ учун қолдирилсин.

Гаффоров Шокир Абдуллаевичга Ургут туман ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмасининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклансин.

Озодликни чеклаш жазо муддати Ургут туман ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмасида ҳисобга қўйилган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Гаффоров Шокир Абдуллаевичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва суд залида қамоқдан озод этилсин.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижросини назорат қилиш Ургут туман ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган ва ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармасининг МТТ бўлимида сақланаётган 0,17 грамм “героин” гиёҳвандлик моддаси ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.



Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ғ.Негматов**

Ҳужжат имзоланган: Негматов Ғайратжон Фазлиддинович, 26.03.2026

